«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Норин туман Халқ таълими
бўлими мудири ўринбосари

_____________ Л.Абдувалиев

«___» _____________ 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

**«Норин тумани халк таълими булими »**

Норин тумани Сирмоқ МФЙдаги жойлашган
11-сонли мактабни жорий таъмирлаш ишлари
бўйича лойиха хужжатлари ишлаб чиқиш бўйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Норин тумани -2022**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 20.05.2022 йилдаги 276-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Норин туман халқ таълими бўлимига қарашли 11-умумтаъли мактабини девори ва иссиклик тизимини жорий таъмирлаш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – 961000000 **(Тўққиз юз олмиш бир миллион)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Норин тумани халқ таълими бўлими"(бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили, Ўзбекистон Республикаси, Манзили Наманган вилояти, Норин тумани, халқ таълими бўлими, Эл.адрес:_

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Норин туман халқ таълими бўлими"биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга жавоб беришини тасдиқловчи хужжатлар ва хизмат кўрсатиш бйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Декларация
- Ташкилотнинг ташкилий структураси
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар
- Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

- Танлов иштирокчисининг иш хаки жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва солик карздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома.

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда иш тажрибаси

- Машина ва механизмлар рўйхати

- Танлов иштирокчиси танлов вактида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошка контрактлар (объектлар) хакида маълумот

- Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

- Ҳужжатларни имзолаш ва танловда катнашиш хукукини берувчи ишончнома.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Норин туман Халқ таълими
бўлими мудири ўринбосари

__________ Л.Абдувалиев

«08» ноябр 2022 й

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Норин туман халқ таълими бўлимига қарашли 11-умумтаълим мактабини девори ва иссиклик тизимини жорий таъмирлаш |
| 2 | Буюртмачи | Норин туман халқ таълими бўлими |
| 3 | Буюртма учун асос | Норин тумани Халқ депутатларининг VI-44-118-6-83-К/22 қарорига ассоаан "Очиқ бюджет" дастури лойихаси асосида |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Норин тумани Хакулобод шахар |
| 5 | Катнашувчи учун талаблар | Иштирокчилар танлов хужжатларига ўзбек ва рус тилида тақдим этиши мумкин. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:<br>-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Норин туман халқ таълими бўлимига қарашли 11-умумтаълим мактабини девори ва иссиклик тизимини жорий таъмирлаш бўйича бажарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси хамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг шартномада белгиланган нархлар ошмаган холда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан йил давоми учун тахминан 961000000 (Тўққиз юз олмиш бир миллион) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури | Буюртма асосида Норин туман халқ таълими бўлимига қарашли 11-умумтаълим мактабини девори ва иссиклик тизимини жорий таъмирлаш вазифаларини бажариш. |
| 8 | Хизматларни бажариш муддати | Шартномалар имзоланган кундан бошлаб 30 кун ичида бажаради имзоланган шартнома 2022 йил 31 декабрь ойига қадар амал қилади |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт. |
| 10 | Молияташтириш манбаи | Норин тумани Халқ таълими бўлими "Очиқ бюджет" маблағлари хисобидан. |